

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАЙЗУЛЛАЕВА УМИДА ФУРҚАТ ҚИЗИ

**АУТОИММУН КАСАЛЛИКЛАРДА ИММУН ЖАВОБИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЧАК МИКРОБИОМАСИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Пайзуллаева Умида Фурқат кизи

Аутоиммун касалликларда иммун жавобини шакллантиришда ичак
микробиомаси 3

Пайзуллаева Умида Фурқат кизи

Микробиом кишечника в формировании иммунного ответа при
аутоиммунных заболеваниях..... 29

Payzullaeva Umida Furkat kizi

Gut Microbiome in the Formation of Immune Response in Autoimmune
Diseases..... 55

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 64

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАЙЗУЛЛАЕВА УМИДА ФУРҚАТ ҚИЗИ

**АУТОИММУН КАСАЛЛИКЛАРДА ИММУН ЖАВОБИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЧАК МИКРОБИОМАСИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.1.PhD/B1433 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зиядуллаев Шухрат Худойбердиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шахмурова Гульнара Абдуллаевна
биология фанлари доктори, профессор

Рустамова Мамлакат Тулябаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74.Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74.Тел./факс: +99871-207-08-30.

Диссертация автореферати 2025 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2025 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М.Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А. Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда аутоиммун, айниқса ревматоид артрит (РА) ва тизимли қизил югурик (ТҚЮ) каби сурункали яллиғланиш билан кечадиган касалликларни олдини олиш ва даволаш муҳим муаммолардан бўлиб қолмоқда. Замонавий тадқиқотлар ичак микробиотаси таркиби ва сифатидаги бузилишлар иммун жавобнинг бузилиши ва аутоиммун реакцияларнинг ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Аутоиммун касалликлардаги муаммолар узоқ муддатли оғриқли синдром, бўғимлар функцияларининг бузилиши, руҳий стресс ҳолатлари ва ногиронликка олиб келиши билан боғлиқ бўлмоқда. Мутахассислар маълумотига кўра, «...2020 йилда РА билан касалланган беморлар сони 17,6 миллион кишига етган, ТҚЮ бутун дунё бўйлаб тахминан 3,4 миллион нафар беморда аниқланган бўлиб, ҳар йили тахминан 400 000 янги ҳолат қайд этилмоқда»¹. Сурункали яллиғланиш касалликлар оғир оқибатларга олиб келиши, патогенезнинг мураккаблиги, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, ушбу ҳолатларни эрта клиник-иммунонологик ташхислаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида аутоиммун касалликларини эрта босқичда ташхислаш, олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада аутоиммун касалликларда биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, патогенезининг янги механизмларини аниқлаш, ревматоид артрит ва тизимли қизил югурикда бўғимлар фаолиятини тиклаш, ичак микробиотаси ҳолатини аниқлаш ва уни коррегирлаш усулларни оптималлаштиришга бағишланган изланишлар илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда аутоиммун касалликлари бўлган беморларда иммун тизим фаолиятини ташхислаш усулларини такомиллаштириш, даволаш, профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чоралар орасида аутоиммун касалликларни эрта ташхислаш ва комплекс даволашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, аутоиммун касалликлари бўлган беморларда иммун тизим фаолиятини кучайтиришда ичак микробиотасини ҳар томонлама аниқлаш ва даволашга янги ёндошувлар

¹ Black, R. J., Cross, M., Haile, L. M., Culbreth, G. T., Steinmetz, J. D., Hagins, H., ... & Majeed, A. (2023). Global, regional, and national burden of rheumatoid arthritis, 1990–2020, and projections to 2050: a systematic analysis of the Global Burden of Disease Study 2021

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

ишлаб чиқиш, асоратланиш даражасини камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиётстратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аутоиммун ва ревматик касалликларнинг ривожланишида микробиомнинг аҳамияти сўнгги йилларда кўпроқ эътиборни тортмоқда. Бироқ уларнинг аксари муайян йўналишларга қаратилган бўлиб, ревматик касалликлар билан оғриган беморлар организмдаги микрофлора хусусиятлари бўйича маълумотлар кам ва зиддиятли. Боровик Т.Е. ва ҳамкасбларининг (2019) тадқиқот натижаларида аутоиммун касалликларга чалинган беморларда, асосан РА билан оғриган беморларда *Clostridium difficile* ва *Klebsiella spp.* каби оппортунистик патогенлар кўпроқ учрашини ва ичак микробиотасининг хилма-хиллигини таъкидлаб ўтилган. Ушбу тадқиқотларга қарамай, аутоиммун ревматик касалликларнинг патофизиологиясини микробиома динамикаси билан боғлайдиган жуда кам тўлиқ маълумотлар тўплами мавжуд. Бироқ, микроорганизмларнинг аутоиммун касалликлар патогенезидаги асосий механизмлари ҳали тўлиқ очиб берилмаган. Микрофлора ва организм ўртасидаги динамик ўзаро таъсирни ўрганиш, микробиотанинг ревматик касалликлар ривожланишидаги патогенетик аҳамиятини аниқлашга, инсон микробиоми касаллик ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини тушунишга, генетика ва микроорганизмлар хилма-хиллиги ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг аутоиммун касалликлар патогенезидаги ролини очиб беришга ёрдам беради (Скачкова Е.И. ва бошқ., 2021; Damian R. Plichta, Juhi Somani et al., 2021).

Ичак микробиотаси тизимли яллиғланиш ва аутоиммун касалликлар ривожланишининг кўзгатувчиси ва модулятори вазифасини бажаради. Молдогазиева Н.Т. (2020) маълумотларига кўра, микробиомдаги ўзгаришлар, хусусан, патобионтлар сонининг кўпайиши ва лактобактериялар ва бифидобактериялар каби ҳимоя коменсаллари сонининг камайиши шиллик

каватларга чидамлилигини бузиши ва аутоиммун касаллик жараёнларини фаоллашувига ёрдам бериши мумкин. Мукоза микробиомининг ўзгариши ревматоид артрит ривожланиш хавфини оширишини кўрсатувчи далиллар кўпаймоқда. Бунга асосан, профилактик стратегиялар биомаркерларни ўрганишга асосланиши мумкин. Аутоиммун касалликларда микробиотани ўрганиш патологик жараённи бошловчи ва асоратлар хавфини оширувчи омилларни аниқлашга ҳамда янги терапевтик стратегияларни белгилашга ёрдам беради (Belkaid Y., Hand T.W., 2014).

Айтиш лозимки, аутоиммун касалликларнинг (РА, ТҚЮ) ривожланишига фақатгина генетик мойиллик сабаб бўлиб хизмат қилмайди, балким атроф-муҳит ва микробиал таъсирлари ҳам рол ўйнайди. Тадқиқот натижаларида иммунитет толерантлиги ва касалликларга мойиллигини модуляция қилувчи генотип-микробиота ўзаро таъсири концепцияси тасдиқланган (Никулина М.А. ва ҳаммуал., 2022). Бундан ташқари, тадқиқотчилар микробиомнинг терапевтик мақсадлар ва диагностик кўрсаткичлар манбаи сифатида потенциални таъкидлайдилар, масалан, нажас микробиота трансплантацияси ёки микробиотага асосланган терапиядир. Шу сабабли, турли ревматик касалликларда беморлар организмидаги микробиоценоз хусусиятларини, резидент ва транзитор микрофлоранинг колонизацион ва биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс тарзда ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (Асанбаева А.А. ва ҳаммуал., 2020).

Шундай қилиб, ичак микрофлораси ва аутоиммун касалликлар ўртасидаги ўзаро таъсир механизмлари, аутоиммун жараёнларнинг бактериал индукция йўллари ҳамда уларнинг клиник аҳамиятини аниқлаш ҳозирги кунга қадар долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №617.52.00109708 «Ижтимоий аҳамиятга эга юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш» (2024-2028 йй.) амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аутоиммун касалликларда иммун жавобини шакллантиришда ичак микробиомаси ролини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ичак микробиотасининг асосий хусусиятлари (микроорганизмлар тури ва миқдори) бўйича ревматоид артрит ва тизимли қизил югурик беморларидаги ҳолатни аниқлаш;

ревматоид артрит ва тизимли қизил югурик касалликлари кечиш хусусиятлари ва ичак микробиотаси таркиби ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

ревматоид артрит ва тизимли қизил югурик касалликларга чалинган беморлар қон зардобиди ИЛ-1 β ва ИЛ-17А цитокинлари миқдорини аниқлаш;

ревматоид артрит ва тизимли қизил югурикда цитокинлар (ИЛ-1 β ва ИЛ-17А) ва ичак микробиотаси таркиби билан боғлиқликни аниқлаш;

ревматоид артрит ва тизимли қизил югурик билан касалланганда микробиота бузилишининг иммун жавоб моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2022-2024 йиллар давомида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 1-сон клиникаси назоратида бўлган ревматоид артрит (РА) ва тизимли қизил югурик (ТҚЮ) ташхиси қўйилган 18-79 ёшдаги 161 нафар бемор ва 100 нафар амалий соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бемор ва соғлом шахсларнинг вена қони ва қон зардоби иммунологик, биокимёвий ҳамда нажаси бактериологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, иммунологик, биокимёвий, бактериологик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор РА билан касалланганлар ичак микрофлорасида *E. coli*, *K. pneumoniae* кўпроқ учраши фонида *Bifidobacteria* даражаси камайиши, ТҚЮ билан касалланганда *Lactobacillus* камайиши фонида *E. gallinarum* аниқланиши шартли патоген ва фойдали микроорганизмлар дисбалансини келтириб чиқариши сабабли яллиғланиш жараёнининг фаоллашувига олиб келиши исботланган;

илк бор *DAS28* индекси билан *Klebsiella pneumoniae* бактериал юки ўртасида кучли ижобий корреляцияси, *Bifidobacteria* даражаси билан ишонарли салбий корреляциясига боғлиқ микробиота таркибидаги ўзгаришлар касаллик кечишининг оғирлашувига сабабли бўлиши аниқланган;

илк бор аутоиммун касалликларда яллиғланишга хос IL-1 β ва IL-17A цитокинлар миқдорларининг (РА билан касалланганда ТҚЮ билан касалланганларга нисбатан ишонарли юқори) ортиши сабабли касалликнинг кучайишига олиб келиши исботланган;

илк бор аутоиммун касалликларида цитокинлар миқдори ва шартли патоген ичак микробиомлари ўртасида кучли ижобий корреляциялар (РА да IL-1 β ва IL-17A миқдорлари *Escherichia coli* ва *Staphylococcus aureus* билан юқори боғлиқлик, ТҚЮ да эса IL-17A ва *Enterococcus gallinarum* билан юқори боғлиқлик) аниқланиши шартли патоген ичак микроорганизмлар иммун жавобни шакллантириш билан узвий боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аутоиммун касалликлари бўлган беморларда яллиғланишга хос цитокинлар (IL-1 β , IL-17A) миқдори ўзгаришларини аниқлаш асосланган;

аутоиммун касалликлари бўлган беморларда ичак меърий микрофлорасида шартли патоген ва фойдали микроорганизмлар ўртасидаги мувозанат даражасини аниқлаш ва баҳолаш асосланган.

аутоиммун касалликлари бўлган беморларда *DAS28* индекси билан микробиота таркибидаги шартли патогенлар даражаси корреляциясини аниқлаш асосланган;

аутоиммун касалликларида микробиом ва иммун тизим ҳолатини таҳлиллаш дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, умумклиник, иммунологик, бактериологик ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек,

чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аутоиммун касалликларда иммун жавобини шакллантиришда ичак микробиомаси ролини аниқлаш бўйича РА ва ТҚЮ билан касалланганлар ичак микрофлорасида шартли патоген ва фойдали микроорганизмлар дисбаланси сабабли яллиғланиш жараёнининг фаоллашувига олиб келиши исботланганлиги, *DAS28* индекси билан шартли патоген ичак микроорганизмлар корреляциялари боғлиқ ўзгаришлар касаллик кечишининг оғирлашувига сабабли бўлиши аниқланганлиги, аутоиммун касалликларда яллиғланишга хос $IL-1\beta$ ва $IL-17A$ цитокинлар миқдорларининг ортиши сабабли касалликнинг кучайиши исботланганлиги ва аутоиммун касалликларида цитокинлар миқдори ва шартли патоген ичак микробиомлари ўртасидаги боғлиқлик иммун жавобни шакллантиришга сабаб бўлиши исботланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аутоиммун касалликлари бўлган беморларда яллиғланишга хос цитокинлар ($IL-1\beta$, $IL-17A$) миқдори ўзгаришларини аниқлаш асосланганлиги, ичак меъёрий микрофлорасида шартли патоген ва фойдали микроорганизмлар ўртасидаги мувозанат даражасини аниқлаш ва баҳолаш асосланганлиги, *DAS28* индекси билан микробиота таркибидаги шартли патогенлар даражаси корреляциясини аниқлаш асосланганлиги ва аутоиммун касалликларида микробиом ва иммун тизим ҳолатини таҳлиллаш дастури ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Аутоиммун касалликларда иммун жавобини шакллантиришда ичак микробиомаси ролини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгиллиги: илк бор РА билан касалланганлар ичак микрофлорасида *E. coli*, *K. pneumoniae* кўпроқ учраши фонида *Bifidobacteria* даражаси камайиши, ТҚЮ билан касалланганда *Lactobacillus* камайиши фонида *E. gallinarum* аниқланиши шартли патоген ва фойдали микроорганизмлар дисбалансини келтириб чиқариши сабабли яллиғланиш жараёнининг фаоллашувига олиб келиши исботланганлиги бўйича «Аутоиммун касалликлари бўлган беморлар ичак микробиотаси бузилишлари хусусиятлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024-йил 4-декабрдаги 4-сонли Илмий кенгаши қарори) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 06.01.2025 йилдаги 39-Ҳ-сонли ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўйича 08.01.2025 йилдаги 10-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025-йил 15-февралдаги 12-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, профилактика тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг

Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси амалий фаолиятларига жорий этилиши аутоиммун касалликлари бўлган беморлар ичак микробиотаси бузилишлари хусусиятлари аниқлаш услубини қўллаш орқали ўз вақтида касаллик асоратларини камайтириш, ногиронликни олдини олиш, ўз навбатида индивидуал даволаш тактикасини танлаш натижасида даволаш самарадорлиги ортиши ва стационарда ётиш кунлари қисқариши ҳамда беморлар хаёт сифатини яхшилашга асосланган. *Хулоса:* РА ва ТҚЮ билан касалланганлар ичак микрофлорасида шартли патоген ва фойдали микроорганизмлар дисбаланси сабабли яллиғланиш жараёнининг фаоллашуви келиб чиқиши асосланган.

иккинчи илмий янгилиги: илк бор *DAS28* индекси билан *Klebsiella pneumoniae* бактерияси юки ўртасида кучли ижобий корреляцияси, *Bifidobacteria* даражаси билан ишонарли салбий корреляциясига боғлиқ микробиота таркибидаги ўзгаришлар касаллик кечишининг оғирлашувига сабабли бўлиши аниқланганлиги бўйича «Аутоиммун касалликлари бўлган беморлар ичак микробиотаси бузилишлари хусусиятлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024-йил 4-декабрдаги 4-сонли Илмий кенгаши қарори) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 06.01.2025 йилдаги 39-Ҳ-сонли ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўйича 08.01.2025 йилдаги 10-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025-йил 15-февралдаги 12-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, профилактика тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси амалий фаолиятларига жорий этилиши аутоиммун касалликлари бўлган беморлар ичак микробиотаси бузилишлари хусусиятлари аниқлаш услубини қўллаш орқали ўз вақтида касаллик асоратларини камайтириш, ногиронликни олдини олиш, ўз навбатида индивидуал даволаш тактикасини танлаш натижасида даволаш самарадорлиги ортиши ва стационарда ётиш кунлари қисқариши ҳамда беморлар хаёт сифатини яхшилашга асосланган. *Хулоса:* *DAS28* индекси билан шартли патоген ичак микроорганизмлар корреляциялари боғлиқ ўзгаришлар касаллик кечишининг оғирлашувига сабабли бўлиши асосланган.

учинчи илмий янгилиги: илк бор аутоиммун касалликларда яллиғланишга хос IL-1 β ва IL-17A цитокинлар миқдорларининг (РА билан касалланганда ТҚЮ билан касалланганларга нисбатан ишонарли юқори) ортиши сабабли касалликнинг кучайишига олиб келиши исботланганлиги бўйича «Аутоиммун касалликлари бўлган беморлар ичак микробиотаси бузилишлари хусусиятлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024-йил 4-декабрдаги 4-сонли Илмий кенгаши қарори) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Самарқанд вилояти кўп тармоқли

тиббиёт маркази бўйича 06.01.2025 йилдаги 39-Ҳ-сонли ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўйича 08.01.2025 йилдаги 10-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025-йил 15-февралдаги 12-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, профилактика тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси амалий фаолиятларига жорий этилиши аутоиммун касалликлари бўлган беморлар ичак миробиотаси бузилишлари хусусиятлари аниқлаш услубини қўллаш орқали ўз вақтида касаллик асоратларини камайтириш, ногиронликни олдини олиш, ўз навбатида индивидуал даволаш тактикасини танлаш натижасида даволаш самарадорлиги ортиши ва стационарда ётиш кунлари қисқариши ҳамда беморлар хаёт сифатини яхшилашга асосланган. *Хулоса*: аутоиммун касалликларда яллиғланишга хос IL-1 β ва IL-17A цитокинлар миқдорларининг ортиши касалликнинг кучайишига олиб келиши асосланган.

тўртинчи илмий янгилиги: илк бор аутоиммун касалликларида цитокинлар миқдори ва шартли патоген ичак микробиомлари ўртасида кучли ижобий корреляциялар (РА да IL-1 β ва IL-17A миқдорлари *Escherichia coli* ва *Staphylococcus aureus* билан юқори боғлиқлик, ТКЮ да эса IL-17A ва *Enterococcus gallinarum* билан юқори боғлиқлик) аниқланиши шартли патоген ичак микроорганизмлар иммун жавобни шакллантириш билан узвий боғлиқлиги исботланганлиги бўйича «Аутоиммун касалликлари бўлган беморлар ичак миробиотаси бузилишлари хусусиятлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024-йил 4-декабрдаги 4-сонли Илмий кенгаши қарори) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 06.01.2025 йилдаги 39-Ҳ-сонли ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўйича 08.01.2025 йилдаги 10-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025-йил 15-февралдаги 12-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, профилактика тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси амалий фаолиятларига жорий этилиши аутоиммун касалликлари бўлган беморлар ичак миробиотаси бузилишлари хусусиятлари аниқлаш услубини қўллаш орқали ўз вақтида касаллик асоратларини камайтириш, ногиронликни олдини олиш, ўз навбатида индивидуал даволаш тактикасини танлаш натижасида даволаш самарадорлиги ортиши ва стационарда ётиш кунлари қисқариши ҳамда беморлар хаёт сифатини яхшилашга асосланган. *Хулоса*: аутоиммун касалликларида яллиғланишга хос цитокинлар миқдори ва

шартли патоген ичак микробиомлари ўртасида кучли ижобий корреляциялар иммун жавобни шакллантириш билан узвий боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва ахамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий ахамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ичак микроорганизмларининг аутоиммун касалликлар ривожланишидаги ўрни**» деб номланган биринчи бобида аутоиммун касалликларда, хусусан, РА ва тизимли қизил югурик (ТҚЮ)да ичак микробиомасининг иммун жавоб шаклланишидаги ўрни ҳақидаги замонавий тасаввурлар таҳлил қилинган. Ичак дисбиози ва аутоиммун жараёнлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган, шунингдек, микробиотанинг иммун гомеостазга таъсир механизмлари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ тадқиқот материаллари ва усуллари баён этилган.

Кўйилган вазифаларни ҳал этиш учун 2022–2024 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 1-клиникаси ревматология бўлимида кўриқдан ўтказилган ва даволанган, ёшлари 18-75 ёш оралиғида бўлган 161 беморлар текширувдан ўтказилди. Беморларни ёш, жинс ва ташхис мезонлари бўйича тақсимлаш тегишли жадвалларда келтирилган. Тадқиқотда клиник, серологик, бактериологик, биокимёвий ва статистик усуллар қўлланилди.

Барча беморларга тўлиқ текширув ўтказилди, шу жумладан лаборатория ва инструментал текширувлар амалга оширилди. Солиштирма гуруҳ сифатида

100 нафар шартли соғлом шахслар текширилди ва 50 нафар шартли соғлом шахслар иммунологик таҳлиллар учун танлаб олинди.

Диссертациянинг «**Аутоиммун касалликларда ичак микробиотасининг хусусиятлари ва хосликлари**» деб номланган иккинчи бобида муаллифнинг шахсий тадқиқот натижалари келтирилган.

Ушбу тадқиқотга жалб этилган беморларнинг бошланғич хусусиятлари қайд этилган (1-жадвал). Маълумотлардан кўришиб турибдики, тадқиқот гуруҳларидаги ўртача ёш кўрсаткичлари ўзаро фарқ қилган. Хусусан, ревматоид артрит (РА) билан оғриган беморларда ўртача ёш $47,4 \pm 11,2$ ёшни ташкил этган. Тизимли қизил югурик (ТҚЮ) билан оғриган беморлар ёшроқ бўлиб, уларнинг ўртача ёши $41,8 \pm 13,5$ ёшни ташкил этган. Назорат гуруҳини соғлом шахслар ташкил этган бўлиб, уларнинг ўртача ёши $48,9 \pm 12,3$ ёшни ташкил қилган. РА билан беморлар ва назорат гуруҳи ўртасидаги ёш бўйича фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлмаган ($p=0,21$), аммо ТҚЮ бўлган беморлар назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли даражада ёшроқ демографик кўрсаткичларга эга бўлган ($p=0,03$).

1-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг бошланғич хусусиятлари

	РА беморлар (n=85)	ТҚЮ беморлар (n=76)	Назорат гуруҳи (n=100)	p-value
Ёш, йил (m±sd)	47.4±11.2	41.8±13.5	48.9±12.3	p=0.21 p=0.03
Эркаклар n(%)	12 (14.1%)	5 (6.6%)	18 (18%)	p=0.18
Аёллар n(%)	73 (85.9%)	71 (93.4%)	82 (82%)	p=0.03
ИТВ (кг/м ²)	25.8±4.6	26.7±5.1	24.9±3.8	p=0.04 p=0.02
Касаллик давомийлиги (йил)	5.3±2.7	5.8±3.3	NA	p=0.68
Кортикостероидлар қабул қилиш n (%)	45 (53%)	61 (80.3%)	-	p<0.001
Оғриқли бўғимлар сони (0-28)	12.1±7.5	3.4±2.1	-	p<0.001
Шишган бўғимлар сони (0-28)	8.9±5.2	1.2±1.8	-	p<0.001
С-реактив оксил (мг/л)	18.7±12.4	16.9±8.5	1.2±0.5	p<0.001 p<0.001
ЭЧТ (мм/соат)	37.4±10.2	32.8±9.5	8.9±12.3	p<0.001 p<0.001
АНА ижобий	12 (14.1%)	71 (93.4%)	0(0.0%)	p<0.001
ЦЦПА ижобий n (%)	73 (85.9%)	5 (6.6%)	0(0.0%)	p<0.001
РФ ижобий n (%)	67 (78.8%)	17 (22.4%)	0(0.0%)	p<0.001

Изоҳ: ЭЧТ – эритроцитларнинг чўкиш тезлиги; РФ – ревматоид фактор. ЦЦПА – циклик цитруллинирланган пептидга антитаналар.

С-реактив оксил (СРО) даражаси РА билан оғриган беморларда ($18,7 \pm 12,4$ мг/л) ва ТҚЮ ($16,9 \pm 8,5$ мг/л) бўлган беморларда назорат гуруҳи ($1,2 \pm 0,5$ мг/л) билан таққослаганда анча юқори эканлиги аниқланди. Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ) ҳам РА ($37,4 \pm 10,2$ мм/соат) ва ТҚЮ

(32,8 ± 9,5 мм/соат) билан беморларда назорат гуруҳига нисбатан (8,9 ± 12,3 мм/соат) ишончли даражада юқори бўлган (p<0,001).

Антинуклеар антитаналар (АНА) ТҚЮ билан беморларнинг 93,4%ида ва РА билан беморларнинг 14,1%ида аниқланган. Циклик цитруллинирланган пептидга антитаналар (АЦЦП) ва ревматоид фактор (РФ) эса РАда анча юқори учраш частотасига эга бўлиб, мос равишда 85,9% ва 78,8% ҳолатларда аниқланган, ТҚЮда эса бу кўрсаткичлар 6,6% ва 22,4%ни ташкил этган (p<0,001).

Ушбу маълумотлар РА ва ТҚЮ касалликларидаги серологик ва яллиғланиш профиллари ўртасидаги фарқларни намоён қилиб, касалликларни ташҳислаш ва фаолликни баҳолаш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

РА ва ТҚЮ бўлган беморларда касалликнинг фаоллиги ва ногиронлик индексларининг қиёсий хусусиятлари қайд этилган (2-жадвал).

2-жадвал

Тадқиқ қилинган гуруҳларда касаллик фаоллиги ва ногиронлик индексларининг бошланғич хусусиятлари

Кўрсаткичлар	РА беморлар (n=85)	ТҚЮ беморлар (n=76)	Назорат гуруҳи (n=100)	p-value
DAS28	4.5±1.2	N/A	N/A	<0.001
SLEDAI	N/A	8.3±4.1	N/A	p<0.001
Паст фаоллик, n(%)	28 (32.9%)	24 (31.6%)	N/A	p=0.56
Ўртача фаоллик, n(%)	35 (41.2%)	29 (38.2%)	N/A	p=0.19
Юқори фаоллик, n(%)	22 (25.9%)	23 (30.3%)	N/A	p=0.02
HAQ-DI	1.8±0.6	1.6±0.5	0.2±0.3	p<0.001 p<0.001
ВАШ (0-100)	56.2±18.4	48.3±20.7	3.5±2.4	p<0.001 p<0.001
SF-36 умумий балл	45.3±12.7	52.1±14.3	86.8±11.2	p<0.001 p<0.001

Изоҳ: HAQ = Саломатлик ҳолатини баҳолаш анкетаси; ВАШ = Визуал аналог шкаласи; DAS28 = Бугим касалликлари фаоллигини баҳолаш учун 28 баллик шкала

РА фаоллик даражасини DAS28 шкаласи бўйича баҳолашда, ўртача кўрсаткич 4.5±1.2 ни ташкил этган бўлиб, бу мазкур гуруҳ беморларида касалликнинг ўртача ва юқори фаоллигини кўрсатади. ТҚЮ бўлган беморларда эса касаллик фаоллиги SLEDAI шкаласи бўйича 8.3±4.1 ни ташкил этган, бу эса ўртача фаоллик даражасига мос келади.

Касаллик фаоллигини паст, ўртача ва юқори даражаларга ажратганда, паст фаолликка эга беморлар улуши ҳар икки гуруҳда бир хил бўлган. Хусусан, РА беморларида 32.9%, ТҚЮ беморларида эса 31.6% (p=0.56). Бироқ, юқори фаоллик даражаси ТҚЮ беморларида кўпроқ учраган (30.3%) бўлиб, бу РА беморларида (25.9%) нисбатан юқори эди (p=0.02). Бу эса, ушбу популяцияда ТҚЮ беморлари РА беморларига нисбатан касалликнинг юқори фаоллиги билан кўпроқ учраши мумкинлигини кўрсатади.

Шу тариқа, олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, РА ва ТҚЮ беморлари соғлом шахсларга нисбатан касаллик фаоллигининг юқори даражаси, функционал ногиронлик ва паст ҳаёт сифатига эга бўлган.

РА билан оғриган беморларда бактериологик таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ушбу беморларда баъзи эҳтимолий патоген бактерияларнинг сезиларли даражада кўпайиши ва фойдали микрофлоранинг камайиши аниқлади (3-жадвал).

3-жадвал

РА билан оғриган беморларда бактериологик таҳлил натижаларининг таққосий кўрсаткичлари

Бактериал инфекция	РА беморлар (n=85)	Назорат гурухи (n=100)	p-value
<i>Escherichia coli</i>	30 (35.3%)	15 (15%)	0.002
<i>Klebsiella pneumoniae</i>	22 (25.9%)	9 (9%)	0.001
<i>Staphylococcus aureus</i>	20 (23.5%)	8 (8%)	0.01
<i>Clostridium difficile</i>	12 (14.1%)	5 (5%)	0.02
<i>Bifidobacteria</i>	20 (23.5%)	65 (65%)	0.001
<i>Lactobacillus species</i>	30 (35.3%)	65 (65%)	0.01
<i>Haemophilus species</i>	15 (17.6%)	50 (50%)	0.001

Изоҳ: Барча солиштиришларда Фишер синови қўлланилди.

Натижалардан кўришиб турибдики, РА бўлган беморларда эҳтимолий патоген бактерияларнинг сезиларли даражада кўпайиши кузатилган. *Escherichia coli* РА бўлган беморларнинг 35,3%ида аниқланган, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 15%ни ташкил этган ($p=0,002$), бу эса ушбу бактериянинг ичак микробиотаси бузилишларидаги эҳтимолий ролини кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, *Klebsiella pneumoniae* РА бўлган беморларда анча юқори даражада учраган (25,9%га қарши 9%, $p=0,001$), *Staphylococcus aureus* ҳам (23,5%га қарши 8%, $p=0,01$), бу эса бактериал юкнинг ошганлигидан далолат беради.

Энг аниқ ўзгаришлардан бири РА бўлган беморларда фойдали микрофлоранинг камайиши бўлди. *Bifidobacteria* даражаси 23,5%гача пасайган, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 65%ни ташкил этган ($p=0,001$), *Lactobacillus species* эса 35,3%гача камайган, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 65%ни ташкил этган ($p=0,01$). Бундан ташқари, *Haemophilus species* РА бўлган беморларда анча кам учраган (17,6%га қарши 50%, $p=0,001$), бу эса ичак микрофлораси мувозанатининг бузилишини акс эттириши мумкин.

Шундай қилиб, РА бўлган беморлардаги микробиотадаги асосий ўзгаришлар эҳтимолий патоген бактериялар (*Escherichia coli*, *Klebsiella pneumoniae*, *Staphylococcus aureus*) кўпайиши ва фойдали микрофлора (*Bifidobacteria*, *Lactobacillus species*, *Haemophilus species*) сезиларли даражада камайишини ўз ичига олади. Бу ўзгаришлар яллиғланиш жараёнлари ва РА патогенезида муҳим рол ўйнаши мумкин.

Тадқиқотдаги беморлар гуруҳида бактериологик таҳлилдаги микдорий натижаларнинг таққосланиши қайд этилган (4-жадвал).

4-жадвал

РА билан оғриган беморларда бактериологик таҳлилнинг миқдорий натижаларини таққослаш

Бактериал инфекция	РА беморлар (n=85)	Назорат гуруҳи (n=100)	p-value
Escherichia coli	6.7±0.4	6.1±0.3	p<0.01
Klebsiella pneumoniae	6.4±0.6	5.7±0.4	p<0.01
Staphylococcus aureus	6.2±0.4	5.7±0.3	p=0.06
Clostridium difficile	5.9±0.3	5.3±0.2	p=0.11
Bifidobacteria	5.9±0.3	7.7±0.5	p<0.001
Lactobacillus species	5.7±0.5	6.9±0.6	p<0.001
Haemophilus species	5.7±0.5	6.0±0.4	p=0.28

Изоҳ: Барча солиштиришларда Фишер синови қўлланилди.

РА билан оғриган беморларда ичак микробиотаси таркибида назорат гуруҳига нисбатан ишончли ўзгаришлар аниқланди. Escherichia coli концентрацияси $6,7 \pm 0,4$ (назорат гуруҳида $6,1 \pm 0,3$; $p < 0,01$) ва Klebsiella pneumoniae даражаси $6,4 \pm 0,6$ (назорат гуруҳида $5,7 \pm 0,4$; $p < 0,01$) бўлиб, бу бактериал юкнинг ошганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, Bifidobacteria даражаси $5,9 \pm 0,3$ (назорат гуруҳида $7,7 \pm 0,5$; $p < 0,001$) ва Lactobacillus species даражаси $5,7 \pm 0,5$ (назорат гуруҳида $6,9 \pm 0,6$; $p < 0,001$) гача пасайгани қайд этилди, бу эса микробиотадаги ифодали дисбиозни акс эттиради.

Clostridium difficile ва Haemophilus species бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмади ($p > 0,05$). Шартли патоген микрофлоранинг кўпайиши ва фойдали бактериялар даражасининг камайиши РА патогенезида яллиғланишни фаоллаштириш ва ичак тўсиғи функциясининг бузилиши орқали дисбиознинг иштирокини кўрсатади.

Олинган маълумотлар микробиомга йўналтирилган терапевтик ёндашувлар, жумладан, пробиотиклар, пребиотиклар ва микробиотани тиклаш стратегияларини яллиғланиш юкини камайтириш ва даволаш натижаларини яхшилаш мақсадида қўллаш зарурлигини тасдиқлайди.

Тизимли қизил югурик (ТҚЮ) билан оғриган беморлар ва назорат гуруҳи ўртасидаги бактериологик таҳлил натижаларининг қиёсий кўрсаткичлари келтирилган (5-жадвал).

5-жадвал

ТҚЮ бўлган беморларда бактериологик таҳлилнинг натижаларини назорат гуруҳи билан таққослаш

Бактериал инфекция	ТҚЮ беморлар (n=85)	Назорат гуруҳи (n=100)	p-value
Lactobacillus species	27 (35.5%)	64 (64%)	p<0.01
Enterococcus gallinarum	18 (23.7%)	NA	NA
Escherichia coli	22 (28.9%)	12 (12%)	p=0.38
Klebsiella pneumoniae	16 (21.1%)	8 (8%)	p=0.03
Staphylococcus aureus	13 (17.1%)	10 (10%)	p=0.04
Clostridium difficile	11 (14.5%)	6 (6%)	p=0.14

Изоҳ: Барча солиштиришларда Фишер синови қўлланилди.

Ичак микробиотаси таркибида сезиларли ўзгаришлар аниқланди, бу эса ушбу микробиологик бузилишлар ва ТҚЮ патогенези ўртасида боғлиқлик мавжудлигини кўрсатиши мумкин.

Олинган натижаларга кўра, ТҚЮ бўлган беморларда фойдали бактериялар даражасининг кескин камайиши ва айрим эҳтимоллий патоген микроорганизмларнинг кўпайиши кузатилди. *Lactobacillus species* даражаси ТҚЮ бўлган беморларда сезиларли даражада паст (35,5%) бўлиб, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 64% ($p<0,01$) ни ташкил этган. Бу ҳолат ичак микробиотасидаги дисбаланс ва унинг ҳимоя функциясининг пасайганлигини кўрсатади.

Бошқа микроорганизмларга келсак, *Escherichia coli* (ТҚЮ бўлган беморларда 28,9%, назорат гуруҳида 12%, $p=0,38$) ва *Klebsiella pneumoniae* (ТҚЮ бўлган беморларда 21,1%, назорат гуруҳида 8%, $p=0,06$) кўрсаткичлари статистик жиҳатдан ишончли фарқни кўрсатмади, гарчи ТҚЮ бўлган беморларда уларнинг ўсиш тенденцияси кузатилган бўлса ҳам. Худди шу тарзда, *Staphylococcus aureus* ва *Clostridium difficile* кўрсаткичлари ҳам ишончли фарққа эга эмас ($p=0,08$ ва $p=0,14$ мос равишда).

Қизиқарли жиҳатлардан бири — *Enterococcus gallinarum* нинг ТҚЮ бўлган беморларда 23,7% ҳолатларда аниқланганидир, назорат гуруҳида эса бу бактерия кузатилмаган (NA). Бу микроорганизмнинг ТҚЮ бўлган беморларда мавжудлиги ушбу касалликнинг микробиом билан боғлиқлигини кўрсатиши мумкин ва қўшимча тадқиқотларни талаб қилади.

Шундай қилиб, ТҚЮ бўлган беморларда микробиотадаги асосий ўзгаришлар *Lactobacillus species* каби фойдали бактерияларнинг сезиларли даражада камайиши ва *Klebsiella pneumoniae* каби айрим патоген микроорганизмларнинг кўпайишини ўз ичига олади. Ушбу ўзгаришлар ТҚЮ патогенезида муҳим роль ўйнаши мумкин, яллиғланиш жараёнларини кучайтириб, ичак функцияларининг бузилишига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас (6-жадвал).

6-жадвал

ТҚЮ бўлган беморларда бактериологик таҳлилнинг миқдорий натижаларини назорат гуруҳи билан таққослаш

Бактериал инфекция	ТҚЮ беморлар (n=85) Log КОЕ	Назорат гуруҳи (n=100)	p-value
<i>Lactobacillus species</i>	6.0±0.5	6.2±0.4	$p<0.01$
<i>Enterococcus gallinarum</i>	6.3±0.4	NA	NA
<i>Escherichia coli</i>	6.5±0.3	6.1±0.3	$p=0.38$
<i>Klebsiella pneumoniae</i>	6.4±0.4	5.8±0.3	$p=0.04$
<i>Staphylococcus aureus</i>	6.2±0.3	5.7±0.3	$p=0.03$
<i>Clostridium difficile</i>	5.9±0.3	5.4±0.2	$p=0.14$

Изоҳ. Барча таққослашларда Манн-Уитни критерийи қўлланилди. КОЕ – грамм қаттиқ моддадаги колония ҳосил қилувчи бирликлар.

Энг яққол ўзгаришлардан бири — *Enterococcus gallinarum* бактериясининг ТҚЮ билан оғриган беморларда жуда юқори даражада

аниқланиши бўлиб (6.3 ± 0.4), бу кўрсаткич назорат гуруҳида кузатилмади. Бу эса ушбу бактериянинг яллиғланиш жараёнларидаги эҳтимолий ролига ишора қилади. *Staphylococcus aureus* ҳам ТҚЮ билан оғриган беморларда анча юқори даражада аниқланди (6.2 ± 0.3), назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 5.7 ± 0.3 ($p < 0.03$) ни ташкил этди. Шунингдек, *Lactobacillus* даражаси ТҚЮ билан оғриган беморларда бироз камайгани қайд этилди (6.0 ± 0.5), назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 6.2 ± 0.4 ($p < 0.01$) ни ташкил қилди. Бу микробиота мувозанатининг бузилганини тасдиқлайди.

Айрим патоген микроорганизмлар, масалан, *Escherichia coli* ва *Klebsiella pneumoniae*, статистик жиҳатдан ишончли фарқлар кўрсатмади. Бирок уларнинг даражалари ТҚЮ билан оғриган беморларда бироз юқори эканлиги аниқланди, бу эса уларнинг касаллик патогенезидаги эҳтимолий иштирокига ишора қилади. Шу билан бирга, *Clostridium difficile* бактерияси ТҚЮ билан оғриган беморларда анча юқори даражада аниқланди (5.9 ± 0.3), назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 5.4 ± 0.2 ($p < 0.14$) ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, миқдорий таҳлил натижалари ТҚЮ билан оғриган беморларда микробиота таркибидаги сезиларли фарқларни тасдиқлайди, жумладан, патоген бактериялар сонининг ортиши ва фойдали турлар сонининг камайиши. Бу эса яллиғланиш жараёнларининг кучайиши ҳамда ичак функциясининг бузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

